

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

“Ухсаловатқурялишматериаллари” уюшмаси.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРЎТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳудуддаги Олий ва ўрта махсус профессионал таълим йўналишлари бўйича Укув-уқубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2021 йилнинг 18-08-даги 356-сонли йўналишида маъқуллашган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йилнинг 18-08-даги 356-сонли буйруғи билан тасдиқланган.


ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

**60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш)  
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари**

Мазкур Малака талаби “Олий таълим ҳақиқат таълим стандарти, Асосий талаблар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамакисига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий маърифий-уқубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда Малака талабини расмий ҳол эғна қилишга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасғийландир.

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент архитектура-қурилиш институти;
- “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т.р.	бет
1. <i>60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i> .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. <i>60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш) таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши</i> .....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. <i>60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи</i> .....	5
1.2.1. <i>60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i> .....	5
1.2.2. <i>60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари</i> .....	5
1.2.3. <i>60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i> .....	5
1.2.4. <i>60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i> .....	6
2. <i>60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i> .....	8
2.1. Умумий компетенциялар.....	8
2.2. Касбий компетенциялар.....	9
Библиографик маълумотлар.....	10
Келишув варағи.....	11

## **1. 60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш)**

### **бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

#### **60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш)**

бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

#### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

##### **1.1.1. 60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш)**

**бакалаврият таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш)** бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

##### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълимни тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

**1.2.1. 60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

**Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш)** – атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги йўналиш бўлиб, у давлат, акционерлик ва хусусий компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари, тармоқлар ва соҳаларни бошқариш, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш бўйича архитектура ва қурилиш ҳамда ишлаб чиқаришда замонавий энергия ва ресурстежамкор инновацион технологияларни қўллаш, экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси, архитектура ва қурилиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини экологик талаблари, истиқболини белгилаш, архитектура ва қурилиш ҳамда ишлаб чиқариш технологияларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ атроф-муҳит муҳофазаси бўйича комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;
- тармоқлар ва соҳаларда ташкилот, корхона ва муассасалар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;
- бошқарувда вазиятли ва тизимли ёндашув тамойилларини татбиқ этиш, давлат ва маҳаллий бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёнлари;
- ташкилот ва корхоналарда замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш жараёнлари.

**1.2.3. 60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва технологик фаолияти;
- экологик фаолияти;
- ахборот-таҳлилий фаолият;

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик фаолияти.

#### **1.2.4. 60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари:**

*Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш)* таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

#### **Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва технологик фаолиятида:**

- қурилиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда бошқариш;
- ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий касбий билимларни қўллаш орқали бошқариш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётдан тадбиқ этиш, қурилиш ва ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- корхоналар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий, ресурс тежамкорлик ва энергия самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, қурилиш ва ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ҳамда сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида қурилиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– қурилиш ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари самарадорлигини ошириш, экологик талаблар ва жиҳатларга мос келтириш, атроф-муҳит муҳофазаси, ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган технологик хавф-хатарларни таҳлил қилиш;

– қурилиш майдонлари ва ишлаб чиқариш корхоналарига экологик талаблар асосида энергиятежамкор технологияларни, инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

#### **Экологик фаолиятида:**

– қурилиш ва ишлаб чиқаришда энергия ва ресурс тежамкор технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш;

– экологик назорат ва талаблар асосида соҳага мос тизимни ривожлантириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш;

– қурилиш ва ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштирилган тизимларининг технологик воситалари ва муҳитларини экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси талаблари асосида ривожлантириш малакаларига эга бўлиш;

– меҳнат муносабатларига янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни тадбиқ қилинишини ташкил қилиш.

#### **Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

– экология ва атроф-муҳит муҳофазасида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

– қарор қабул қилиш, жараён ва технологик фаолиятни атроф-муҳит муҳофазаси талаблари бўйича режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;

– ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини назорат қилиш, ташкилот фаолиятининг турли кўрсаткичлари, шу жумладан экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича маълумотлар базасини киритиш;

– қурилиш ва ишлаб чиқариш жараёнларининг экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси самарадорлигини баҳолаш;

– ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;

– бошқарув қарорларининг экологик самарадорлигини баҳолаш.

### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда йўналишдаги тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

– хўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

– йўналишдаги тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

– интернет тармоғида экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;

– илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

### **Тадбиркорлик фаолиятида:**

– янги бизнес лойиҳаларни экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича шакллантириш ва амалга ошириш;

– бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

## **2. 60710400 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қурилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

– давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиш, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммолари ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятга оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, умумкасбий ва мутахассислик фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

– ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш

усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

– меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

– ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

– музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

– қурилиш ва ишлаб чиқаришни экологик жиҳатдан таҳлил қилиш ва ҳисоботларини тайёрлашни, атроф-муҳит муҳофазаси маълумотлар базасини юритишни билиш;

– қурилиш ва ишлаб чиқаришни экология ва атроф-муҳит муҳофазаси талаблари асосида ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

– стратегик ва экологик бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар ва ишчилар жамоасига етакчилик қилишни билиш;

– экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича таҳлил қилиш, рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

– лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

– экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қарорларни қабул қилишда, уларни аниқ вазифаларга мослаштириш орқали энергия ва ресурс тежамкорлик ҳамда ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

– меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиш;

– йўналиш тармоқлари ва соҳалари бўйича ташкилотларда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни билиш;

– қурилиш ва ишлаб чиқаришда экологик хавфсизликни таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлилий ишларни бажаришни билиш;

– қурилиш ва технологик лойиҳаларнинг ресурс тежамкор ва энергия самарадорлигини экологик баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

– экологик вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш.

### Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

#### Таянч сўзлар:


касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, экологик назорат ва талаблар, мустақил таълим, қурилиш ва ишлаб чиқариш жараёнлари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент архитектура-қурилиш институти



Ректор  Р.Р.Ҳақимов

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси  
Илм-фан ва инновациялар бўйича раиснинг биринчи ўринбосари



 А.А.Баходиров

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ҳузуридаги Олий  
таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш  
маркази


Тошкент давлат транспорт  
университети Илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректор




Директор в.б.  М.Х.Эсонов

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



 С.С.Шаумаров

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

“33-Қурилиш бошқармаси” МЧЖ


“ЎзқурилишматериалЛИТИ”  
МЧЖ илмий-тадқиқот ва  
инжиниринг маркази



Директор  А.Ж.Ризаев

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

Директор  С.З.Раззоқов

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

